

Феълларни насб ҳолатида туришини талаб қилувчи юкламалар таҳлили

Феълларни насб ҳолатига қўювчи юкламаларнинг сонини араб, ўзбек ва рус тилшунослари турлича берадилар. Лекин улар бир-бирини инкор қилмайди. Мустафо Ғалайиний юкламаларни 10 та эканлигини таъкидлаб ўтади. Булар:

أَنْ، لَنْ، إِذَا، كَى، لَام كَى، لَام الْحَوْد، فَاء السَّبْبِيَّة و واو المَعِيَّة، حَتَّى، أَوْ.

Мустафо Ғалайиний феълларни насб ҳолатига қўювчи юкламаларни **الذَّوَابُ** деб номлаб, уларга қуйидагича таъриф бериб ўтади:

Ҳозирги-келаси замон феъллари махсус юкламалардан кейин насб ҳолатида туради. Уларнинг (умумий сони ўнта) асосийлари тўртта ва қуйидагилардир:

1 (أَنْ: حرفٌ مصدريةٌ و نصب و استقبال.¹

“Ан” юкламаси масдарий, насб ҳолатига қўювчи ва келаси замон юкламасидир”.

Масалан:

يُرِيدُ اللهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ.²

“Аллоҳ сиздан енгиллатмоқни хоҳлайдилар”.³

يُسِرُّنِي أَنْ تَتَّقَمَّ.

“Сенинг олдинга интилаётганинг мени қувонтиради”.

Мустафо Ғалайинийнинг фикрича, бу юкламани “масдарий” деб аталиши боиси юкламадан кейин келган феъл масдар билан алмашиши мумкинлигидадир.

Масалан, юқоридаги **يُرِيدُ اللهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ**, **يُسِرُّنِي أَنْ تَتَّقَمَّ** жумлаларидаги **يُرِيدُ** феълини унингмасдари **تَخْفِيفٌ** – “енгиллатиш”, “юмшатиш” сўзи билан **تَتَّقَمُّ**

¹ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص 144

² القرآن الكريم. مدينة العبور. 2001. ص. 73

³ Қуръони карим маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. –Т., 2009. –Б.83.

феъллини эса унинг масдари تَقَدَّمَ – “олдинга ҳаракат қилиш” сўз билан алмаштириш мумкин, яъни

يريد الله التَّخْفِيفَ عَنْكُمْ

يسرني تَقَدُّمُكَ.

Келаси замон юкламаси деб аталишга сабаб ундан кейин келаётган феълларни аксарият ҳолларда келаси замонда тасаввур қилинишидир. Шу ўринда, нафақат бу юклама, балки барча насб ҳолатини талаб қилувчи юкламалар келаси замонга ишора қилишини айтиб ўтишимиз лозим ⁴. Масалан: يُخْتَبَطُ الْخَطِيبُ فِي النَّاسِ - Нотиқ одамларга нутқ сўзляпти. Бу гапда иш-ҳаракат ҳозир содир бўляпти. Агар унинг таркибида насб ҳолатини талаб қилувчи юкламалардан бири келса, иш-ҳаракат келаси замонда бўлиши аниқ бўлади. Масалан юқоридаги жумлани юклама билан келишига эътибор берсак: لَنْ يُخْتَبَطَ الْخَطِيبُ فِي النَّاسِ - Нотиқ одамларга умуман нутқ сўзламайди.

(2) لَنْ: حَرْفُ نَفْيٍ وَنَصْبٍ وَاسْتِقْبَالٍ.⁵

“لَنْ” инкор, насб ҳолатига қўювчи ва келаси замон юкламасидир”.

Масалан:

لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ.⁶

“Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмасиз”.⁷

لَنْ يَضِيعَ الْحَقُّ الْمَغْتَصَبِ.

“Зўравон ҳақиқатни ҳеч қачон йўқ қила олмайди”

Кўриб турганимиздек, бу жумлаларда تَنَالُوا -насб ҳолатидаги феъллар бўлиб, улар ўзбек тилига келаси замонда таржима қилинган. Бу юкламадан кейин келган феъл келаси замонда мутлақо амалга ошмайдиган иш-ҳаракатини англатади.

(3) إِذَنْ: حَرْفُ جَوَابٍ وَنَصْبٍ وَاسْتِقْبَالٍ.⁸

⁴الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993.ص.144

⁵الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993.ص.145

⁶القرآن الكريم. مدينة العجور. 2001. ص. 62

⁷Қуръони карим маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. –Т., 2009. –Б. 62.

⁸مصطفى الغلاييني، مع الدروس العربية، بيروت، 1993. ص. 45.

“اذن” -жавоб, насб ҳолатига қўювчи ва келаси замон юкламасидир”.

4. Араб тилида феълларни насб ҳолатида келишини талаб қилувчи юкламалардан яна бири **حَتَّى** “учун”, “...гунча” юкламасидир. Бу юкламадан кейин келаётган иш-ҳаракат келгусида амалга ошадиган мақсадни англатади. Мустафо Ғалайиний фикрича, бу юклама **لِ** ёки **لِ** маъноларида қўлланилади⁹. Масалан:

- **قَالُوا لَنْ نَبْرَحَ عَلَيْهِ عَاطِفِينَ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَى.**¹⁰

“Улар: “То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз”, дедилар”.¹¹

- **اجْتَهَدُ فِي الدَّرْسِ حَتَّى تَصْبَعَ عَالِمًا.**

“Олим бўлиш учун тиришиб ўқи” ёки “Олим бўлгунингча тиришиб ўқи”.

- **انْتَظَرُكُمْ هُنَا حَتَّى يَطْلُعَ الْقَمَرُ.**

“Мен сизни бу ерда Ой чиққунга кутаман”.

Кўриб турганимиздек юқоридаги жумлаларда **يَرْجِعُ** - “қайтгунича”, **تُصْبِعُ** - “бўлгунингча”, **يَطْلُعُ** - “чиққунича” феъллари насб ҳолатида бўлиб, келгусидаги иш-ҳаракатини англатади.

Агар **حَتَّى** “гача...”, “га қадар”, “токи” маъноларида ишлатилган бўлса, ундан кейин келаётган феъл рафъ ҳолати (аниқлик майли)да ҳам, насб ҳолатида ҳам бўлиши мумкин. Масалан:

- **سَرْتُ حَتَّى ادْخُلُ الْمَدِينَةَ.**

“Мен шаҳарга киргунча юрдим”.

Аниқроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, “мен мақсадга эришгунча юрдим, мана ҳозир шаҳарга кириб боряпман” деган маъно келиб чиқади. Агар биз шу жумлада феълни насб ҳолатига қўйиб “**سَرْتُ حَتَّى ادْخُلُ الْمَدِينَةَ**” десак “Мен шаҳарга кириш учун (кириш мақсадида) юрдим”, аниқроғи “...шаҳарга киргунча юраман” деган маънони англатади.

⁹الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993.ص.155

¹⁰القرآن الكريم. مدينة العبور. 2001. ص. 318

¹¹Қуръони карим маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. –Т., 2009. –Б. 318.

Мустафо Ғалайиний бу юклама баъзида “...маслик учун” маъносида ҳам келиши мумкинлигини айтиб ўтади.¹²

(5) كى: حرف مصدرية و نصب و استقبال.¹³

“Кى – юкламаси масдарий, насб ҳолатига қўювчи ва келаси замон юкламасидир”.

Кى юкламасини масдарий дейилишига сабаб, худди أن юкламаси каби ундан кейин келган феълни унинг масдари билан алмаштириш мумкин. Бу юклама ўзбек тилига “учун”, “мақсадида” каби сўзлар билан таржима қилинади. Масалан:

نذهب إلى الجامعة كي نتعلم – Университетга ўқиш учун борамиз.

Жумладаги نتعلم ҳозирги келаси замон феълни масдари билан алмаштириш мумкин.

نذهب إلى الجامعة للتعلم – “Университетга таълим олиш учун борамиз”

(6) لام كي (و تسمى لام التعليل ايضاً).¹⁴

“Кى” лами (таълил (изоҳловчи, тушунтирувчи) лом деб аталиши мумкин) ҳам феълларни насб ҳолатида туришини талаб қилади.

Бу юклама ўзбек тилига “учун” деб таржима қилинади. Мустафо Ғалайиний фикрича “Кى лами” деб аталишига сабаб, кюкламаси ўрнига жумлаларда юкламасини қўйиш мумкин. Масалан,

جئت لأتعلم – جئت كي أتعلم.

“Таълим олиш учун келдим”.

Бу юклама жумладаги иш-ҳаракатнинг мақсадини англатади. Буни Мустафо Ғалайиний ҳам таъкидлайди.

و قد تكون الام الناصبة مفيدة معنى العاقبة و النتيجة و المآل و الصيرورة.¹⁵

“Насб ҳолатига қўювчи ل юкламаси оқибат, натижа, мақсад маъноларидаги жумлаларда қўлланилади”. Масалан: تاب ليغفر له. “Уни кечиришлари учун тавба қилди”.

¹² الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 56-155

¹³ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 145

¹⁴ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 149

¹⁵ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 150

7) لام الجود، (و تسمى لام النَّفَى (يضًا لأنها تَقَعُ يعد النفي تأكيدًا له)، و هي التي تقع بعد "ماكان" أو "لم يكن".¹⁶

“Лом ал-жухуд (инкор ломи) лом ан-нафйи деб ҳам аталади ва инкор жумлаларда уни таъкидлаш учун қўйилади. У "ماكان" ёки "لم يكن"дан кейин қўйилади”. Масалан:

- لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيُغْفِرَ لَهُمْ.¹⁷

“(куфридан зиёда бўлганларни) Аллоҳ мағфират қилмас”.¹⁸

7) Араб тилида насб ҳолатидаги феъл ف боғловчисидан кейин ҳам келиши мумкин. Бу ҳақда Мустафо Ғалайиний шундай дейди:

8) "فَاءُ السَّبَبِيَّةِ، و هي التي تفيد أن ما قبلها سَبَبٌ لِمَا بعدها، و أن بعدها مُسَبَّبٌ عَمَّا قبلها)"¹⁹

“فاءُ السَّبَبِيَّةِ” (Фа ас-сабабиййа) ўзидан олдин келаётган иш-ҳаракат кейинги шу ҳаракатининг бажариши учун сабаб бўладиган ҳолатларда қўлланилади. Бунда кейинги келаётган иш-ҳаракат, олдингисининг натижаси бўлади”.

Бу боғловчи ҳақидаги фикрларга Фуад Неъмат куйидагича қўшимча қилади: “Ундан олдин инкор ёки талаб (маъносидаги феъл) келади. Талаб буйруқ, инкор ёки тасдиқ маъносида бўлиши мумкин”.

Масалан:

كونوا ايّداً واحدةً فتفوزوا

“Бир тан – бир жон бўлинглар муваффақят қозонасизлар”.

Бу ерда كونوا – “бўлинглар” буйруқ феъли، “تُفُوزُوا” – “муваффақият қозонасизлар” феъли насб ҳолатида ن - ҳазф қилинган (тушиб қолган) бўлиб، кўплик، II шахс музаккарда турибди.

9) Юқорида кўриб ўтилган ف боғловчиси каби و боғловчиси ҳам феълларни насб ҳолатига қўяди.

9) واو المعية، (و هي التي تفيد حصول ما قبلها مع ما بعدها) فهي بمعنى: "مع" تفيد المصاحبة.²⁰

¹⁶ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 151.

¹⁷ القرآن الكريم. مدينة العبور. 2001. ص. 100.

¹⁸ Қуръони карим маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. –Т., 2009. –Б. 100.

¹⁹ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 152.

²⁰ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 153.

“واو المعيبة” (вав ал-маъиййа) ўзидан олдин келаётган воқеа-ҳодисанинг кейин келаётган иш-ҳаракати билан биргаликда бажарилганини англатади”.

Масалан: أَحْتَرِمُنِي وَأَحْتَرِمَكَ – Мени ҳурмат қил, (шунда) мен ҳам сени ҳурмат қиламан.

و боғловчисидан кейин икки феъл англатган иш-ҳаракати бир вақтда бўлаётган бўлсагина насб ҳолати қўлланилади.

Масалан:

هل تَأْكُلُ السَّمَكَ وَتَشْرَبُ الْبَيْنَ.

- Сен бир вақтда балиқ еб сут ичасанми?

Агар у боғловчиси мақсад, натижа ёки биргаликдаги маънони боғламай, оддий маънодаги иш-ҳаракатини боғласа, ундан кейин келаётган феъл рафъ ҳолати (дарак майли)га қўйилади. Масалан:

- زُرْنِي وَ أَزُورِكَ

“Меникига кел, мен ҳам сеникига бораман”.

Бу ҳақида Мустафо Ғалайиний ҳам шундай дейди:

“و ҳамда боғловчилари инкор ва талабдан кейин келмаса ҳозирги – келаси замондаги феълни насб ҳолатига қўймайди. ф боғловчиси инкор маъносидаги феълдан кейин, талаб маъносидаги феълдан кейин у боғловчиси инкор маънодаги феълдан кейин, талаб маъносидаги феълдан кейин келса насб ҳолатига қўйилади.

Агар улар иккисидан олдин инкор ва талаб маъноси келмаса феъл рафъ ҳолатига қўйилади. Масалан:

يُكْرِمُ الْاِسْتَاذُ - Устоз тиришқоқни ҳурмат қилади ва дангасани урушади.

الْمَجْتَهِدَ فَيَخْجَلُ الْكَسُولُ.

الشمسُ طالعةٌ و ينزلُ المطرُ.²¹ - Қуёш чиқаяпти ва ёмғир ёғаяпти.

“Талаб” – дейди Мустафо Ғалайиний, бу буйруқ (الأمر) инкор (النهي), сўрок (الاستفهام), истак (التمنى), илтимос (الترجى), таклиф (العرض), ундаш, мажбурлаш (التحضيض)дир”.²²

الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص.154²¹

Ўша асар. –Б.48.²²

10) Феълларни насб ҳолатига қўювчи юкламалардан бири **أَوْ** “учун”, “ёки” юкламаси бўлиб, Мустафо Ғалайиний уни феълнинг насб ҳолатига қўйишини таъкидлайди. Масалан: **لَا تُرْكُكَ أَوْ تُعْطِينِي حَقِّي** – Сени тинч қўймайман ё ҳақимни берасан.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, **أَوْ** - юкламаси жуда кам ҳолатлардагина феълни насб ҳолатига қўяди. Шу сабабли бўлса керак, араб тилшуносларини ҳаммаси ҳам бу юклама ҳақида сўз юритмайди. Ўзбек ва рус тиллардаги дарсликларда эса бу ҳақида умуман маълумот йўқ, фақат Б.М.Гранде А. Абдужабборов бу ҳақида қисқача сўз юритганлар, холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. II Ж. – Наманган: Ибрат, 2009. – 563 б.
2. Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007. -307 б.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно - историческом освещении. -М.: “Восточная литература” РАН, 1998. – 592 с.
4. Қуръони карим маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. –Т., 2009.
5. الشيخ مصطفى الغلايينى، جامع الدروس العربية، بيروت، 1993.
6. القرآن الكريم. مدينة العبور. 2001.

**Тошкент давлат шарқшунослик институти Шарқ филологияси
факультети Лингвистика йўналиши 2-курс магистри Адиллов Нодирбек
Махамматовичнинг “Феълларни насб ҳолатида туришини талаб
қилувчи юкламалар таҳлили” мавзуда ёзган мақоласига**

ТАҚРИЗ

Предметнинг ҳаракатини ва жараён тарзидаги ҳолатини билдирган мустақил сўз туркуми феъл дейилади. Феъллар шахс ва предметлар ҳаракатини ифодалаш билан бирга турлича ҳолатни, белгининг ўзгаришини ҳам ҳаракат тарзида англатади.

Араб тилшунослари эса, учта замондан бирига, яъни ўтган, ҳозирги ёки келаси замонлардан бирига нисбатан бўлган иш-ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги тушунчани ифодалаган сўзларни “феъл” деб атайдилар.

Феълларнинг учта шакли бор ва улар раф (дарак майли), насб (истак майли) ва жазм (шарт майли) ҳолатларидир. Агар ҳозирги-келаси замон феъли жумла таркибида келса, ё рафъ, ё насб ва ёки жазм ҳолатларининг бирида туради. Унинг кўрсаткичи лафзий, тақдирий ёки маҳаллий бўлиши мукин. Рафъ ҳолати (дарак майли)нинг кўрсаткичи дамма, насб ҳолати (истак майли)нинг кўрсаткичи фатҳа ва ниҳоят жазм ҳолати (шарт майли)нинг кўрсаткичи сукундир.

Араб тилшунослигида ўзбек тилидан фарқли равишда феълларнинг насб ҳолатида келишини талаб қилувчи юкламалар мавжуд.

Тадқиқотчи Н.Адиллов ушбу мақоласида айнан мана шу юкламаларни тадқиқ қилган ва уларни алоҳида турларга бўлиб, ҳар бирини мисоллар орқали таҳлил қилинган. Н.Адиллов ўзининг мавзуга доир илмий қарашларини машҳур тилшунос олимлар Мустафо Ғалайиний, Муҳаммад Ассофининг назарияларига асосланган ҳолда ёритишга ҳаракат қилган.

Бу мақола бугунги кунда ўрганилиши керак бўлган мавзулардан бирига бағишлаган ва мен уни нашрга тавсия қиламан.

Илмий раҳбар

проф.Шомусаров Ш.